

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60420100–Юриспруденция (фаолият турлари бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОУМТВ
Буйруқ № 365
“25” 08 2021 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат юридик университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2021 йил «25» 08 даги 365-сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига берилган.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши малака талабларининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги.....	9

1. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклида амалга оширилади. Ушбу таълим йўналиши бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълим шакли бўйича бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчилари ҳамда «хуқукбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш» соҳа мутахассислиги бўйича кундузги таълим шакли бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 3 йил. Сиртқи таълим таълим шакли бўйича бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 5 йил.

Назарий ва амалий таълимни тўлиқ ўзлаштирган, етарли даражадаги кредитларни тўплаган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган, ўкув режаси талабларини бажарган шахсга “бакалавр” даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат берилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси:

1.1.1. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши малака талабларининг қўлланилиши.

Малака талаблари 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрловчи олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари

Куйидагилар малака талабларининг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади:

- мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фанлар дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги (ўкув-услубий бошқарма бошлиги), деканлар, кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилари;
- бакалавриат таълим йўналиши ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилоти талабалари;
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.

1.2.1. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) – “Хуқук” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви

органларида, суд, прокуратура, адлия ва бошқа ҳукукни муҳофаза қилувчи органларида, адвокатлик тузилмаларида, нотариат идораларида, ташки иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги фаолиятни амалга оширувчи давлат идораларида, ҳалқаро ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида, шунингдек бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотларида юридик фаолият соҳаларини қамраб олади.

1.2.2. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятиning объектлари:

норма ижодкорлиги фаолияти жараёнлари;
ҳукукни қўллаш амалиёти жараёнлари;
норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳукукий экспертизаси жараёнлари;
миллий ва ҳалқаро судлар, шунингдек ҳалқаро арбитраж ва медиация процесси жараёнлари;
ижро иши юритиш жараёни;
юридик хизмат кўрсатиш жараёнлари;
нотариал харакатларни амалга ошириш жараёнлари;
ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа ташкилотларда юридик фаолиятни амалга ошириш жараёнлари.

1.2.3. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти.

1.2.4. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

ташкилий-бошқарув ҳамда ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- давлат ва хўжалик бошқаруви, суд, прокуратура, адлия ва бошқа ҳукукни муҳофаза қилувчи органларда, адвокатлик тузилмаларида, шунингдек бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотлар ҳамда ҳалқаро ташкилотларда зиммасига юкланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида ишларни самарали ташкил этиш;
- ҳукукий билим ва кўникмалари ҳамда меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш ва тўғри йўлга қўйиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш, ҳукуқ ижодкорлиги ва ҳукукни қўллаш соҳасида сифатни бошқариш;
- касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг муқобилларини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологияларидан бошқарув, ҳукуқ ижодкорлиги ва ҳукукни қўллаш соҳаларида фойдалана олиш.

илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот муассасасалари ва марказларда ҳукуқ соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- хукуқ соҳасидаги миллий ва хорижий фан-техника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари қиёсий таҳлилини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

2. 60420100 – Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар

Бакалаврларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар қўйилади:

- дунёкаш ва таҳлилий фикрлаш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- давлат ва жамият ҳаётининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- сиёсий жараён ва ходисалар ҳакида яхлит тасавурга эга бўлиши, давлат ва жамият ривожланиши ҳакидағи билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда, ҳаётда ва ўз касбий фаолиятида фойдалана олиши ҳамда хукуқ нормаларини шарҳлашни билиши;
- ахборот йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- ўз устида тизимли ишлаш ва ўқиб-ўрганиш натижалари асосида соҳа бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- чет тилини B2 ва ундан юқори даражада билиш, жумладан тинглаб тушуниши (Listening), ўкиши (Reading), ёзиши (Writing), гапириши (Speaking);
- норматив-хукукий хужжатларни излаб топиши, миллий ва халқаро хукукий ахборот қидирув тизимлари билан ишлай олиши;
- норматив-хукукий хужжатлар мазмунини тушуниши, уларни шарҳлаши ва қўллай олиши;
- норматив-хукукий хужжатлар, шартномалар, битимлар ва процессуал хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаши ва уларни хукукий экспертизадан ўтказиши;
- хукуқ принципларини, жумладан адолат ва хукуқ устуворлиги принципларини амалий ҳаётда тўғри қўллай олиши;
- муаммоли вазиятларда хукукий ечимлар таклиф қилиши, жисмоний ва юридик шахсларга хукукий маслаҳатлар бериши;
- соҳа билан боғлиқ муаммо ва кейсларни аниқ ва деталли ечиши, бизнес фаолиятини хукукий таъминлаш билан боғлиқ ишларни самарали ташкил қила олиши;
- хукукий муаммоли вазиятларни ҳал этиш жараённида соҳавий хукукий асосларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши;
- ўз фаолиятида академик ҳалоллик талабларига риоя этиши, ўзганинг интеллектуал натижалари ўзлаштирмаслик, интеллектуал мулк объекtlарига бўлган хукукларига қатъий риоя этиши;

хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятга эга бўлиши, янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини самарали ташкил қила олиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар

- касбий соҳага оид назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш;
- миллий ва халқаро хуқуқ нормаларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, прокуратура, адлия ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда турли бошқа ташкилотларнинг юридик хизматида қўллаш;
- судгача талабнома-даъво ишларини юритиши ва шартномавий муносабатларда вакиллик қилиши;
- суд процессида қатнашиш, музокаралар олиб боришни ташкил этиш, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)лар билан сұхбатлашиш, юридик хulosалар бериш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, миллий қонунчиликни хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда қонунчиликка таклифлар тайёрлаш, юридик аудит ўтказиш (due diligence);
- процессуал ва бошқа хужжатларни тузиш;
- норма ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, қонун лойиҳалари, қонуности норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатларни тайёрлаш ҳамда уларнинг халқаро хуқуқ нормалари билан ўзаро алоқасини таҳлил қила олиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш;
- қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни таъминлаш ва низоли масалалар доирасида қонун нормаларини тўғри қўллаш;
- низоларга нисбатан миллий ва хорижий норматив-хуқуқий хужжатларни тўғри қўллаш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли лавозимларида хизмат кўрсатиш;
- суд, прокуратура, адлия ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият юритиши;
 - адвокатлик тузилмаларида жисмоний ва юридик шахсларга хуқуқий ёрдам бериш;
 - ташкилотларда юридик хизматни таъминлаш;
 - хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консультатив таъминлаш;
 - психологияк тайёргарлиги, хуқуқий, сиёсий маданияти ва хуқуқий онгини ошириб бориш

аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштириш **қобилиятига эга бўлиши керак**.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият таснифи, касбий фаолият соҳалари, модул, муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), клиник таълим, кредит, юриспруденция таълим йўналиши, ахборот-коммуникация технологиялари, касбий фаолият обьекти, ўқув дастури, соҳа мутахассислиги, ўқиб-ўрганиш натижалари, ҳуқуқий тизим, суд процесси, музокаралар, юридик хulosалар, таҳлилий маълумотлар, юридик аудит (due diligence), ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, қонунийлик, ҳуқуқ устуворлиги, ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ шакллари, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат хавфсизлиги, психологик тайёргарлик.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:


Тошкент давлат юридик университети

Ректор в.в.б.  И. Рустамбеков

2021 йил « 20 » август

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илгор технологияларни
татбик этиш маркази

Директор  М. Эсонов

2021 йил « 20 » август

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги


Вазир  ўринбосари А. Тошқулов

2021 йил « 20 » август

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси


Бош прокурор  ўринбосари Э. Юлдашев

2021 йил « 20 » август

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Олий Суди

Раис
ўринбосари 

2021 йил « 20 » август



Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги

Вазир  ўринбосари А. Икрамов

2021 йил « 20 » август

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси

Раис  А. Эрназаров

2021 йил « 20 » август

М.Ў.

